ИММАНУИЛ ВАЛЛЕРСТАЙН “МОДЕРНИЗАЦИЯ” ВА “ДУНЁ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ НАЗАРИЯСИ” ҲАҚИДА

Т.Н. Ҳожиев

Мақолада ижтимоий тараққиётнинг дунё-тизимли таҳлили таълимотининг моҳияти шу илмий концепциянинг кўзга кўринган вакилларидан бири Иммануил Валлерстайн қарашлари мисолида қисқача ёритилган.

***Калит сўзлар**: модернизация, меҳнат тақсимоти, дунё-тизимли таҳлили, циклик тараққиёт.*

В статье вкратце освещена сущность мир-системного анализа социальной эволюции на примере взглядов одного из видных представителей данной научной концепции Иммануила Валлерстайна.

***Ключевые слова:** модернизация, распределение труда, мир-системный анализ, циклическое развитие*

By studying the views of a well known specialist of world system analysis of development Immanuil Vallerstain the author tries in this article to display the essence of his views.

***Key words**: modernization, distribution of labour, a world-system analysis, cyclic development.*

Бугунги кунда ўз олдига ривожланган давлатлар қаторига қўшилишни мақсад қилиб қўйган давлатлар тажрибасига кўра, жамият модернизациясининг ҳар хил моделлари мавжуд. Уларнинг айримларини индустриал мамлакатларга, айримларини – постиндустриал мамлакатларга, айримларини эса давлатларнинг иккала типига ҳам қўллаш мумкин. Аммо С.Хантингтон Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида сўнгги ўн йилликларда содир бўлган жараёнларни муваффақиятли тушунтирибгина қолмай, сиёсий тарихни англаб етишга кўмаклашадиган сиёсий модернизациянинг назарий схемасини ҳам таклиф қилди. Зеро, муҳтарам Президенти-

миз И.Каримов таъкидлаганидек, “жаҳон тарихи барчамизга бир ҳақиқатни доимо эслатиб туради – ҳаётимиз тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, худди шу каби жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш бир муддатлик иш эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир” [1.1].

Бугунги кунда дунёдаги глобал ўзгаришларни баҳолаш борасида турли қарашлар илгари сурилмоқда. Жумладан, мазкур жараённинг моҳиятини тушуниш ва истиқболини белгилаш масаласи кенг жамоатчилик диққат марказидадир. Аммо уни тўғри тушуниш ва талқин қилиш бошқа кўплаб ижтимоий жараёнлардаги сингари махсус ёндашув ва методологияни талаб қилади. Бу борада дунёнинг тизимли таҳлили назарияси ҳам таълимот, ҳам методология нуқтаи назаридан аҳамиятга моликдир. Айниқса, мазкур назариянинг асосчиси, 1930 йилда туғилган таниқли америкалик социолог Иммануил Валлерстайннинг қарашлари алоҳида диққатга сазовор.

Иммануил Валлерстайн тарихни ананавий формацион ва цивилизацион талқин қилишни ёқламаган. У жамият тараққиётининг янги парадигмасини таклиф қилади. Валлерстайн тарихий тизимга ягона ижтимоий бирлик сифатида ёндашади.

Валлерстайн меҳнат тақсимоти асосий ўрин эгалловчи тарихий тизимни таърифлашни таклиф қилади. “Тарихий тизимлар меҳнат тақсимоти интеграллашган ишлаб чиқариш тузилмалари, ташкиллашган институтлар тамойиллари жамланмаси билан, шунингдек, ўз мавжудлигининг маълум даври билан тавсифланувчи жамият сифатида таърифланиши мумкин” [2.171]. И.Валлерстайн тарихий тизимларнинг таҳлили бугунги кундаги ижтимоий гуманитар соҳа вакилларининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.

XVI асрда пайдо бўлган ва ўзида бутун бошли XIX асрни қамраб олувчи ҳамда чексиз капиталнинг тўпланиши билан тавсифланувчи, яримпериферия ва периферия марказларига ажралган “дунёнинг капиталистик тизими” тушунчаси Валлерстайн дунёқарашининг марказий масаласи ҳисобланади. Унга кўра, дунёнинг капиталистик иқтисодий тизими тенгсизлик асосида тақсимланган иерархиядир.

Ўзини мумтоз давлат деб сановчи мамлакатлар яхши ривожланмаган мамлакатларнинг перифериясига айланишидан манфаатдор.

“Мумтоз давлатлар” учун илмий технологияга асосланган ишлаб чиқариш, капиталнинг юқори даражада концентрацияси, қудратли бюрократия, юксак тараққий этган таълим тизими, фан ва урбанизация хос деб ҳисоблайди Валлерстайн.

Периферия мамлакатлари эса илмий технологияга асосланмаган ишлаб чиқариш, капиталнинг кам концентрациялашуви, заиф бюрократия, дин ва бидъатларнинг кенг ёйилгани, аграр турмуш тарзининг етакчилиги каби бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади.

Яримпериферияларга ўрталиқ, аниқроғи, марказий ва периферия мамлакатлари оралиғидаги восита вазифасини бажаради. Валлерстайн АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларини марказий мамлакатлар қаторига киритади. Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, ЖАР, Жанубий Корея, Мексика, Венесуэла, Миср кабиларни яримпериферия деб ҳисоблайди. Валлерстайн периферия давлатлари сифатида Африка ва Лотин Америкасининг қашшоқ давлатлари, шунингдек, Осиёнинг Бирма, Бангладеш сингари бир қанча мамлакатларини келтиради.

Асосида меҳнат тақсимоти ётувчи дунёнинг бундай тизими XVI аср арафасида шаклланган бўлиб, дастлаб Европа ва Американинг катта қисмида намоён бўла бошлади. Дунёнинг бундай тизими юзлаб йиллар мобайнида ўз ҳудудини, меҳнат тақсимотини ўз ичига олувчи “инкорпорация”ни тобора янги регионлар сари кенгайтириб борди. XIX асрнинг ўрталарига келиб Шарқий Осиё мазкур “инкорпарация” жараёнининг энг сўнгги катта ҳудудига айланди. Шундан сўнггина илк бор дунё тизими бутун ер шарини қамраб олиб, дунё тизимининг модернизацияси ҳақиқий маънода оламшумул кўлам касб этди. Дунёнинг капиталистик тизими марказ ва периферия муносабатларига асосланувчи, мустақил давлатларнинг халқаро муносабатларидан келиб чиқадиган сиёсий тузилмадан ташкил топган жаҳон хўжалигини намоён қилади [2.49].

Валлерстайн дунё тизими циклик тарзда ривожланади деб ҳисоблайди. Циклик ритмларнинг алмашинув даврида дунё тизимларининг зиддиятли тўқнашуви содир бўлади. Дунё тизимлари ривожининг нисбатан катта цикллари сифатида гегемония цикли ҳамда Кондратьев томонидан таклиф қилинган ўсиб борувчи ва камаювчи фазаларга эга иқтисодий циклни кўрсатиш мумкин. Дунё тизимидаги гегемония циклининг ҳар бири ўзида 3 босқични мужассам этади: 1. Гегемонлик учун кураш. 2. Етакчи давлатларнинг урушидаги ғалаба гегемонияси. 3. Гегемоннинг заифлашуви – гегемонияга қарши тарафларнинг кучайиши янги урушга тараддуд кўриш. Бир неча йилларга

чўзилувчи гегемонлик урушларида ядронинг 2 кучли қутби кураш олиб боради. Ҳар бир навбатдаги циклда собиқ гегемон амалдаги гегемоннинг ёш иттифоқчисига айланади. Валлерстайн фикрига кўра, дунё тизимида гегемон бўлиш бир мунча қийин саналади. Зеро, у катта маблағ эвазига эришиладиган кучли бюрократия ва қудратли армияга эга бўлмоғи лозим. Гегемон давлат дунё тизимида йирик мамлакатлараро қуролли тўқнашувларнинг олдини олишга хизмат қилади. Валлерстайн фикрига кўра, замонавий дунё тизимлари тарихида гегемонлик даври 25 йилдан 50 йилгача давом этади. “Назаримда, бунга 3 та мисол келтириш мумкин: XVII аср ўрталаридаги Бирлашган провинциялар (Нидерландия), XIX аср ўрталаридаги Бирлашган Қироллик (Буюк Британия) ва XX аср ўрталарида АҚШ” [3.29]. Ҳукмронлик даврининг тугаб, янги гегемоннинг шаклланиши дунё тизимидаги етакчи давлатлардан бирида барқарорлик суръатларининг пасайиши ҳамда дунёнинг нобарқарор ҳолати билан белгиланади.

Валлерстайн замонавий дунё тизими ҳам исталган бир тарихий дунё тизими сингари қачонлардир барҳам топади деб ҳисоблайди. Тарихий тизим якунида бифуркация нуқтаси пишиб етилгач, янги даврга ўтиш зарурати сезилади. “Замонавий дунё тизими ҳар қандай тизим каби доимий равишда ривожланиб бориши мумкин эмас, албатта, у ҳам ўз якунига эга, тарихий жараён уни шундай нуқтага олиб борадики, унда тизимларнинг беқарорлиги кенг миқёсли хаотик (бетартиб) тус олади, тизим институтларининг яшовчанлик қобилиятида номутаносиблик кузатилади. Бу нуқтада бифуркация жараёни содир бўлади ва ўтиш даврининг оқибати ўлароқ бир ёки бир нечта тизимларнинг алмашинуви жараёни рўй беради” [2.51].

Валлерстайн ижтимоий ўзгаришлар тарихий тизимларнинг алмашиниши бир типдан иккинчи типга ўтиш орқали намоён бўлади деб кўрсатади. Ғарбий Европада феодализмнинг капитализм томонидан сиқиб чиқарилиши бунга ёрқин мисол бўлиб хизмат қилади. Валлерстайн тарихий тизимнинг бир типидан иккинчисига ўтишни ижтимоий ўзгариш деб ҳисобламайди.

“Манчжурлар сулоласи мин сулоласи ўрнига келган пайтда Хитойда рўй берган воқеалар бунга мисол бўлиши мумкин. Бу империялар бир-бири билан кўп жиҳатлари бўйича фарқ қилишига қарамасдан, моҳиятан фарқ қилмаган. Ҳозирда биз яшаётган дунё тизими ўз бошидан чуқур трансформация жараёнини кечирмоқда, лекин ҳозирча бу жараён фундаментал ижтимоий ўзгаришлар олиб келадими йўқми, буни билмаймиз. Ўрганилаётган тарихий тизимда ижтимоий ўзгаришлар кўпинча хомхаёл бўлиб чиқиши мумкин. Деталлар ўзгариши мумкин, лекин маълум тизимнинг сифати моҳиятан аввалгидек қолавериши мумкин. Агар бизни фундаментал ижтимоий ўзгаришлар қизиқтирса, давомли трендларни аниқлаш ва уларни циклик ритмлардан фарқлаш талаб қилинади, шунингдек, башорат қилишда узоқ муддатли жараёнга қадар тизим асосида ётувчи мувозанатни бузмаган ҳолда куч йиғиш мумкин” [2.51].

Валлерстайнга кўра, замонавий капиталистик дунё тизими ҳозирда ўзининг сўнгги инқирозли босқичига етиб келди ва у бир неча йилдан кейин ўз умрини яшаб бўлади. Валлерстайн бу инқироз 1990 йилдан 2025/2050 йилларга қадар давом этади деб тахмин қилади. Ушбу инқироз оқибатлари ҳақида тахмин қилиш қийин. Замонавий дунё тизими ўрнига келадиган тизим эскиси каби яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин. Валлерстайн таъкидлашича, янги тизимга ўтиш, гарчи унинг оқибатлари номаълум бўлса ҳам, саросима ва бетартиблик билан кечади. “Шу маънода, гарчи ҳеч қачон огоҳлантирилмаса-да, фундаментал ижтимоий ўзгаришлар имконсиздир ва бу ахлоқий масъулиятга чорлаб, ақл ва виждон билан иш тутишга ҳамда нисбатан мукаммалроқ тизим излаб топишга ундайди. Биз унинг тузилмаси қандай эканлигини била олмаймиз, лекин моҳиятан рационал деб аташга имкон берувчи мезонларини аниқлашимиз мумкин. Унинг салоҳияти эгалитар ва асосан демократик кўринишда бўлади. Агар тарихий давр демократик тусда бўлмаса, эгалитар бўла олмайди, демократик бўлмаган давлатда ҳокимият ҳам нотекис тақсимланади, бу эса қолган соҳалар тақсимотида ҳам тенглик бўлмайди демакдир. Агар у эгалитар бўлмаса, шу маънода ҳам демократик бўла олмайдики, зеро ноэгалитар тизимда биттаси бошқасига нисбатан кўпроқ моддий неъматларга эга бўлади ва шунинг учун ҳам кўпроқ сиёсий ҳокимиятга эга бўлиши имкониятидан қочиб бўлмайди” [2.8].

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, Иммануил Валлерстайннинг дунёнинг тизимли таҳлил назарияси, асосан, тарихни қайта баҳолаш ва шунга кўра истиқболни белгилашга қаратилган. Унда синергетика ва диалектиканинг унсурлари синтезлашади. Унинг мазкур қарашлари ва методологияси бутун тарих жараёнини қайта кўриб чиқиш имконини беради. Методологик нуқтаи назардан эса модернизация назарияларини қиёсий таҳлил қилишда назарий методологик асос вазифасини ўтайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиз” / Халқ сўзи.- 2014.- 6 декабр.

2. Валлерстайн И. Конец знакомого мира: Социология XXI века / Пер. с англ. под ред. Б. Л. Иноземцева. — М.: Логос, 2004.

3. Валлерстайн И. После либерализма / Пер. с англ. М. М. Гурвица, П. М. Кудюкина, Л. В. Феденко, под ред. Б. Ю. Кагарлицкого.- М.: Едиториал УРСС, 2003.

Ўзбекистон Миллий университети
2015 йил 12 майда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Юлдашева)